

342.4.

У.Ш.ХУСАИНОВ, Б.К.ИБОДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ
ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ
ХУҚУҚЛАРИ

ТОШКЕНТ

Тошкент давлат юридик институти ўқув услубий Кенгашининг 2010 йил 29 апрелдан 9-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

У.Ш.Хусаннов, Б.К.Ибодуллаев Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари. //Масъул муҳаррир: юридик фанлар номзоди, доцент С.М.Хилиров. – Т.: ТДЮИ, 2010. - 48 б.

УДК 342.4 (575.1) Х98

Тақризчилар: Юридик фанлар номзоди, доцент **М.А.Хамидова;**
юридик фанлар номзоди **Ш.Х.Зулфикооров**

XXI асрда давлатларнинг дунё сиёсий сахнасидаги обрўсини белгиллаб берувчи омиллардан бири албатта маъкур давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги ҳисобланади. БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий қадамлари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу рисолада фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари тушунчаси, уларнинг конституциявий тизими ва амалга ошириш шакллари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишларини, ўзларининг сиёсий фаолликлари билан амалга оширишлари лозимлиги ёритилган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади.

Рисола кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган.

© У.Ш.Хусаннов, Б.К.Ибодуллаев

© Тошкент давлат юридик институти, 2010.



МУНДARIЖA

| | |
|---|----|
| Кириш | 3 |
| 1. Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари..... | 5 |
| 2. Сиёсий ҳуқуқларнинг ривожланиши босқичлари..... | 13 |
| 3. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларининг бошқаришда иштирок этиши ҳуқуқи..... | 23 |
| 4. Фуқароларнинг ўз иқтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириши ҳуқуқи..... | 29 |
| 5. Фуқароларнинг қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюштириш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиши ҳуқуқи..... | 33 |
| 6. Фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши ҳуқуқи..... | 39 |

| | |
|---|----|
| ХУЛОСА | 44 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 45 |

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари уларга давлат ва жамият ишларини бошқаришда кенг иштирок этиш шароитларини яратиб беришни талаб этади.

БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатлар унга аъзо бўлган давлатларнинг Конституция ва қонунларининг асосий мазмун ва моҳиятида ўз ифодасини топмоқда. Дастлаб, инсоният тараққиётининг маҳсули бўлган миллий урф-одат нормалари пайдо бўлган ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб ривожланиб боришида энг муҳим омил бўлиб, кишилар онгини шакллантиришга хизмат қилиб келган. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг давлат қурлишида ҳуқуқий тизимнинг яратилиши ва ўрнатилиши миллий урф-одат меъёрларига асосланган. "Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жихатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши мавзум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қону асослари яратилган. Бирок, иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини аниқлаш бошлангич ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларга эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидати ўз масъулиятларини хис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустақкам тизимларда, атар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади."¹

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари аҳолини давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишини кафолатлайди. Инсониятнинг ижтимоий ривожланиш қонуниятлари талабларидан бири бўлган давлат органларининг фаоллигини демократик принципларида амалга оширилаётганлигини кўрсатадиган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини кафолатлари давлат ва жамият ривожининг гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқилишдан қатъий назар, ўз сиёсий фаоллиқларини жамоат бирлашмаларида

бирлашиб давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда турли жамоат бирлашмалари мавжуд бўлиб, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширмоқдалар.

"Бу ўз навбатида жамиятнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади.

Қонунчилик палатасига 30 фойзга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фойздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг тақрибий бошқичидан – иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларнинг ўзи – ушбу сайловларимиз нақадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳолининг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгариллаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намоён этди."²

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг ўз сиёсий-ижтимоий фаоллиқларини амалга оширишлари учун ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда яратилган. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш кўп жихатдан бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

1. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон халқи суверен эрки ва иродасининг ифодаси тарзида вужудга келган Конституциямиз бутунли кунда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асоси, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қонуний заминини ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати сифатида майдонга чиқмоқда. Конституция «анги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам суверен давлатимизнинг қонунийлик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг таъмиги бўлди»³.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизнинг модернизация қилини ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор миссиямиздир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 35-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 539-бет.

Конституция бугун жакон ахлига халкимизнинг истак-иродасини баён килиб, у Ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустахкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети фойдалига содик қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжихатлигини таъминлашдан иборатлигини эълон қилди.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги конун сифатида давлатимиз киёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий негизини, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустахкамлаб берди. У жамият миқёсида эришилган ўзига хос ижтимоий келишувнинг махсули сифатида майдонга чиқиб, энг аввало, давлат ҳокимиятини инсон ҳуқуқлари қўлағига мос тарзда меъёрлаш ҳамда шу орқали ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва шарфдорлаштириш вазифасини ўтайди.

Конституция сиёсий ҳамда ҳуқуқий эркинликнинг буюк тимсоли сифатида халқимиз қалбидан мустахкам ўрин олди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси эъозловчи мўтабар ижтимоий қадриятга, олий маънавий неъматга айланди. Унинг бекиёс қадр-қиммати ва нуфузи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти йиллар ўтгани сайин тобора ортиб бормоқда. Асосий Конституциянинг моҳияти, ижтимоий-сиёсий ва юридик табиати унинг қуйидаги муҳим хусусиятларида яққол намён бўлди: Аввало, Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик Конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараккий топан давлатларнинг Конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар, дейиладди Асосий Конституциянинг 2-моддасида, жамият ва фуқаролар олдиди масъулдирлар». Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланишини аниқлатади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шавия ва қадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади.

Учунчидан, Конституция инсон ҳуқуқлари фойдалига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдига юксак масъулиятни аниқлаш, Ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва конунийликни хурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжихатлигини кафолатлаш каби олижаноб максалларни кўзлайди. У инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари қўламини, ижтимоий турмушга давлат аргашувининг четараси ва характери билан белгилаб берди. Энг муҳими - конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундай ташкил этиши режалаштирилганки, унга кўра - инсон давлат механизмизмининг олдийгина унсиз мурвати эмас, балки сиёсий ҳаётнинг фасл иштирокчиси, ижтимоий тараккиётнинг бош максали, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятдир.

XXI асрда давлатларнинг дунё сиёсий сахнасидаги обрўсини белгилаб берувчи омиллардан бири албатта мазкур давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги ҳисобланади. БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 1-моддасида, «Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу ҳуқуқ туфайли улар ўз сиёсий мақомларини ўз эркилари билан белгилайдилар ҳамда ўларининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараккиётларини таъминлайдилар» деб белгиланган¹.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимида сиёсий ҳуқуқлари алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ҳуқуқлар фуқароларнинг давлатни ва жамият ишларини бошқаришидаги иштироки билан боғлиқдир. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар дейилганда инсонларнинг бевосита сиёсий манфаатларига тегишли ҳуқуқлар тушунилади. Сиёсий ҳуқуқлар шахннинг сиёсий жараён ва давлат ҳокимиятининг амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ифодалайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини демократик давлатларнинг конунларида тақомиллаштириб боришда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари асосий бош ўрини эгаллайди яъни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолати бўлиб ҳизмат қилмоқда.

¹ Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлири учун ўқув қўламави. Х.Б.Бобоев, А.Х.Сайдов, Ш.Ш.Шорвақетов ва бошқ. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 205-бет.

Сиесий хукук ва эркинликлар ўз табиатига кўра инсон туғилганиданок эга бўладиган ва узвий ҳисобланган асосий шахсий хукуклардан фарқи йларок, давлат фуқаролигига эга бўлиши билан боғлиқдир. Бу фарқлар Конституцияларда шахсий хукуклар “хар ким”, сиесий хукуклар “фуқаролар” деб аниқ йўналттирилганлигида ўз ифодасини топган.

Сиесий хукукларнинг фуқаролик билан боғлиқлиги, уни демократик давлатларда хар бир фуқароларнинг табиий хукуклари ҳисобланмасдан ва улар давлат томонидан берилган ҳосилда, иккинчи даражали хукуклар деб тушуниш тўғри эмас. Айнан уларнинг ушбу характерида кўра ҳам бу хукукларни давлат томонидан берилган ва ўрнатилган хукуклар сифатида қаролиши мумкин эмас. Давлат уларни инсонларнинг шахсий хукуклари сингари тан олади, уларга ривоятда ва муҳофаза қилади.

“Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим ҳулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу қарорларнинг нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди. Айнан ана шу ҳуқуқсизлик – яъни, сиесий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши маъқур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди, десам, янглишмаган бўлман. Ҳайайманки, ўтган сайловларнинг айна шундай аломатлари мамлакатимиз парламент тизимининг самарадорлигини оширишга албатта сезиларли таъсир ўтказди”¹.

Республикада барча давлатлар сингари инсон хукукларига онд муайян қонунийлик тизими шаклланди. Ушбу қонунийликнинг негизини, авваламбор, Конституция ташкил этди. Конституцияимизнинг II бўлими Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуклари, эркинликлари ва бурчлари бағишланган. Фуқароларнинг конституциявий хукук ва эркинликлари жорий қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида ўз аксини топган. Дунё давлатларида инсон хукукларига онд қонунийлик тизими бешта таркибни қисмдан иборат бўлса, биттаси, фуқароларнинг сиесий хукукларига онд қонунлар – жамоат бирлашмалари, сиесий партиялар, сайлов тўғрисидаги, қасаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар ҳисобланади². Инсоннинг жамиятда тутган ўрни унинг шахсий хукук ва эркинликлар билан бирга, унинг сиесий хукуклардан фойдаланиш имкониятлари билан ҳам белгиланади. Бундай имкониятлар турлича бўлиб, улар сиесий тузумларга, сиесий

ҳокимиятларга ва жамиятда амалда бўлган тартибларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сиесий хукуклар хар бир шахснинг жамиятнинг сиесий ҳаёти ва муносабатларида қандай иштирок қилишини белгилаб беради.

Хар бир инсон у қандай сиесий тузумда фаолият кўрсатишидан қатъи назар, сиесий хукуклардан у еки бу даражада фойдаланади. Сиесий фаолият кучли кишининг сиесий жараёнлар ва сиесий муносабатлардаги иштироки анча кенг бўлади, у ўзининг сиесий хукуклари ва эркинликлари моҳиятини чуқур англаб етди ва улардан максилга мувофиқ фойдаланиш имкониятларига эга бўлади. Бу имконият, хар бир инсонга ўзининг сиесий хукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилишда қатта ёрдам беради.

Сиесий хукуклар жамиятда сиесий ҳаётнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу жараён узок тарихий тараққийнинг натижаси. У давлатларнинг пайдо бўлиши билан рўй берган. Давлат жамиятнинг сиесий намоёнласи сифатида фуқароларнинг ҳаракатлари хукукий жиҳатдан тартибга солиб туришга ҳаракат қилган. Бинобарин, инсоннинг сиесий хукуклари ва уларнинг амалда бўлиши жамиятнинг сиесий жиҳатдан ривожланиши учун объектив заруриятга айланган.

Инсон сиесий хукукларининг объектив моҳияти уларнинг айрим ёки бир гуруҳ кишиларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаганлиги билан белгиланади. Сиесий хукуклар ҳам инсоннинг бошқа хукуклари сингари бирон-бир сиесий куч томонидан жамиятта ташқаридан киритилган ёки жорий этилган меъёрлар йингилдиси эмас.

Инсоннинг сиесий хукуклари умумий моҳиятга эга бўлган тартиб-қонунлар йингилдиси. Бунинг маъноси шунки, сиесий хукуклар алоҳида миллат ёки халққа, у ёки бу ирққа мансуб бўлмай, бу хукуклар жаҳондаги барча миллатлар ва халқларга, турли ирққа мансуб кишиларга дахлдордир. Инсоният барча замонларда ҳам жамиятда амалда бўлган сиесий хукуклардан у ёки бу даражада фойдаланиб келган. Бизнесинг мамлакатимизда яшётган халқ ва миллатлар ҳам бундан мустасно эмаслар. Инсоннинг асосий сиесий хукукларидан бири — бу унинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокдан иборат. Унинг бўлиди иштироки икки йўл билан амалга оширилади. Биринчидан, хар бир инсон жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок қилиш хукукидан, иккинчидан, ўз вақиллари орқали иштирок қилиш хукукидан фойдаланишлари мумкин.

Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш хукукига эгалар. Уларнинг жамият ҳаётига доир масъулалири хал қилишда ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини сиесий ҳокимиятларга билдиришлари, улар олдига аниқ талаблар қўйишлари ва

¹ Қаримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ўстунор нақсадларидир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 21-б.

² Инсон хукуклар: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. Х.Е.Бобоев, А.Х.Сайдов, Ш.Ш.Шорзиётов ва бошқ. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 8-бет.

бу талабларни амалга оширишда йнгилишлардан, оммавий-ахборот воситаларида фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамиятнинг ҳар бир аъзои фойдаланиши зарур бўлган бундай сиёсий ҳуқуқлар демократик сиёсий тузумнинг моҳиятига тўла мос келади.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқи уларнинг жамият ҳаётига доир масалаларни ўзлари ишонч билдирган вакиллар орқали ҳал этишда қатнашиш имкониятини беради. Бу имконият жамият ҳар бир аъзосининг сиёсий фаоллигини оширишга, унинг жамият оддидаги масъулиятини тобора чуқурроқ ҳис қилиб боришга ёрдам беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролари фойдаланаётган сиёсий ҳуқуқнинг бу жиҳати мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқи давлат идораларининг демократик асосларида ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Давлат идораларининг иши — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсоннинг талаб ва эҳтиёжларини оқилона даражада қондириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб беришдир. Бинобарин, давлат идораларининг асосий вазифаси инсоннинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиши учун зарур бўлган имкониятларни ва бу жараёнини вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмларни яратиб беришдан иборат.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларидан бири мамлакатда амалда бўлган қонунларга мувофиқ тарзда йнгилишлар, намоёнлишлар, митинглардан иштирок қилишидир. Ўзбекистон фуқароларининг бундай ҳуқуқлардан фойдаланиши республикада ҳуқуқий, демократик жамият қуришида муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, демократик жамият инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашнинг зарур шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг йнгилишлар, митинг ва намоёнлишларда эркин иштирок этиши уларнинг сиёсий онгини ўстириш ва сиёсий фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳуқуқияти ва унинг жойлардаги идоралари фуқароларнинг бундай ҳуқуқларини ҳимоя қилиши билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини тоғташ йўлидаги ҳар қандай салбий ҳолатларга йўл қўймастик чораларини кўриб келмоқда. Бу эса инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бизнинг Конституциямиз талабларига тўла мос келади.

Кишилик жамияти ривожининг барча давраларида фуқароларнинг кўча намоёнлилари, митинг ва йнгилиши турли йўшлар билан бошқариб келинган. Тотағилтар ва авторитар сиёсий тузумлар амалда бўлган

қўнғилик мамлакатларда ҳозирги кунда ҳам инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини таъқорлаш ҳоллари давом этмоқда. Кўча намоёнлилари, митинг ва бошқа сиёсий тадбирларда қатнашишдан иборат сиёсий ҳуқуқларини тоғташ йўлидаги уринишлар бунга мисолдир.

Инсоннинг кўча намоёнлилари, митинг ва йнгилишларда иштирок қилишдан иборат сиёсий ҳуқуқларини мутоқлаштириш мумкин эмас. Бунинг мубноси — ҳар қандай намоёнлиш ёки йнгилишлардан мамлакатда сиёсий тартибсизликларни авж олдириш мақсадларида фойдаланмаслиқдир. Чунки сиёсий тартибсизликлар мамлакат ва жамиятнинг ривожланиши учун оғир салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракатлар дунёнинг барча мамлакатларида қонуни йўли билан тақиқланади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз фуқаролари митинглар, йнгилишларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ равишда ўтказишлари ва ҳокимият органлари бундай сиёсий тадбирларни мамлакат хавфсизлиги нуқтан-назаридангина қўллатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга эканликлари қайд қилинади.

Мамлакат фуқароларининг қасба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшишлари ҳам улар фойдаланадиган сиёсий ҳуқуқлардир. Инсоннинг бундай ҳуқуқлардан фойдаланиши унинг ўзинини англаш ва сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо инсон ҳамма вақт ҳам бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлмаган. Бунга кўпинча мамлакатда ўрнатилган сиёсий тартиблар, қўқморлар олиб борган зўравонлик сиёсати сабаб бўлган. Дунёнинг илрим мамлакатларида сиёсий партиялар ва кўлаб жамоат ташкилотлари фаоллигининг тақиқлаб қўйилиши ҳам фуқароларнинг бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини бермаган. Фашистик, диктаторлик тартиблари ўрнатилган баъзи мамлакатларда эса, кишилар ўзларининг оммавий ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқидан ҳам фойдалана олишмаган. Жамиятда ҳукм сурган зулм ва зўравонлик, халқ продвсининг буқиб қўйилиши йўлидаги ҳаракатлар инсоннинг барча ҳуқуқлари сингари, унинг сиёсий ҳуқуқларининг тоғталишига ҳам сабаб бўлган.

Инсоннинг жамиятда ҳаракатда бўлган сиёсий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқидан фойдаланишида демократик сиёсий тузумларда кенг имкониятлар яратилади. Ҳозирги кунда демократик сиёсий тузумлар амалда бўлган мамлакатларда фуқаролар ўзлари истаган сиёсий ташкилот ва уюшмаларга аъзо бўлиб кириш ва уларнинг ишида фаол қатнашиш имкониятларига эгалар. Бундай имконият Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам таъминланган бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳеч қандай

чеклашларсиз сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларида қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакатнинг фуқароларининг сиёсий ва ижтимоий ташкилотларга аъзо бўлиши ҳуқуқларини белгилаб берадиган қонунлар тизимини яратиб зарурлигини таъкидлаб, бундай қонунларнинг амалда бўлиши инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлайди. Мамлакатимизда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек давлат идораларида фаоллик кўрсатувчи озолиқнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам қонун йўли билан муҳофаз қилинади. Уларнинг сиёсий ташкилотлар ва давлат идораларидаги ишлари бошқа бирон-бир турдаги жамоат ташкилотларига аъзо бўлиши ҳуқуқидан маҳрум этилишини билдирмайди. Ҳолбуки мамлакатимизда ҳар бир инсон бир вақтнинг ўзида бир нечта жамоат ташкилотининг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга. Республикада ҳар бир фуқаро бирон-бир сиёсий партияга аъзо бўлиш билан бир вақтда, қасаба уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар ёки фахрийлар ташкилотларига аъзо бўлиши ва улар фаолияти орқали ўзининг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилиши мумкин. Бинобарин, у ёки бу ташкилотга аъзо бўлган шахснинг ҳуқуқи камситилганда, бу ташкилот ўз аъзосини химоя қилади.

Ҳар бир шахс ўзининг сиёсий ташкилотлар ёки жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқидан қанчалик самарали фойдаланса, бу унинг сиёсий жиҳатдан етук бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг сиёсий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларидаги фаол иштироки унинг ўзлигини англаш ва химоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Инсоннинг барча сиёсий ҳуқуқлари сингари унинг турли муассаса ва ташкилотларга ариза, шикоят ёки тақлиф-лар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам бир мамлакатда қонун орқали химоя қилиниши лозим. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, "Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши шарти" дейилган.

Мутасадди ташкилотларда фуқаролардан тушган тақлиф ёки шикоятлар кўриб чиқилаётганда улардаги талаблар, тақлиф ҳамда мулоҳазалар инсон ва жамият учун қанчалик фойдалиги ёки фойдасиз эканлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Чунки шикоят ёки тақлифлар орқали инсон биринчидан ўзининг сиёсий ҳуқуқидан фойдаланади, иккинчидан эса, у ўзи ва жамият учун зарур бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятига эга бўлади. Инсон сиёсий жарайининг

фаол иштирокчиси бўлиш ва ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиш имконияти бу жарайини ҳаракатга келтириб турувчи қуча айланади.

2. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВОСҚИЧЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари – инсон шахси ва турмушининг тарқибий қисми. Шу боис, инсон ҳуқуқлари қонцепциясининг шаклланиш жарайини жамиятнинг тараккиёт тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда, узок тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Инсон ҳуқуқларини тушуниб етиш учун ниҳоятда муҳим бўлган одамларнинг табиий тенглиги ғоялари қадим юнон мутафаккирлари (Протагор, Антифонт, Ликофрон) ва қадим Хитой донишмандлари (Мао-олдинг VI-IV асрлардаёқ илгари сурланган.

Ҳуқуқ субъекти ва қонун олдидати тенглик тушунчаларини ишлаб чиқилдаги хизматлар қадимги Рим ҳуқуқшуносларида тенгили. Цицерон "Ҳамма қонун таъсири остида бўлиши керак", деб таъкидланган эди. Шунинг кайд этиш лозимки, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим қонунчилигида мутафаккирларнинг мазкур масала юзасидан қарашлари беэҳсонга айлан шундай ифодасини топмаган эди.

Қонун томонидан инсон ҳуқуқлари фақат қулдорлар учун ялғиз сифатида қараб чиқилиб, беҳисоб қуллар оммаси ҳуқуқи инкор этилар эди. Шундай тамойил ўрта асрларга ҳам хошлар. Аҳолининг қатламлари турли табақаларга бўлинган ўша даврларда инсон ҳуқуқи айрим табақаларнинг ялғиз хисобланиб, ҳуқуқий тенглик муайян табақатга мансублик билангина белгиланарди. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларининг табақавий чекланганлиги шахс дахлсизлиги ҳуқуқи ялғ бора ифодаланган инглизларнинг 1215 йилги "Эркинликларнинг" удуғ буюк Хартияси" аҳамиятини асло пасайтирмайди. "Ҳеч бир эркин инсон қисс қилинмайди, қамоққа маҳкум этилмайди ёхуд мол-мулки тортиб олинмайди, бирор-бир восита билан ночор ахволга солинмайди. Фақат қонуний ҳукм ва давлат қонунни бўйичагина чоралар кўрилади", деб эълон қилувчи 39-молда мазкур ҳужжат шухратини таъминлаган эди. Инсон ҳуқуқларининг табиий-ҳуқуқий қонцепциясини шакллантиришда XVI-XVIII асрларда яшаб ўтган инглиз Локк, америкалик Пейн ва Жефферсон, фрэнсцузлар Руссо, Монтескье, Вольтер, голландиялик Гроций каби мутарифатларвар мутафаккирлар етакчи ўрин тутдилар. Уларнинг одамлар тенглиги, туғилишдан уларга ато этилган яшаш, эркинлик ва хавфсизлик каби ҳуқуқларнинг дахлсизлигига доир ғоялари буржуа инкйлоблиари ва

буржуа давлатларининг шаклланиши жараёнидаги конституциявий ҳужжатлар Англияда 1628 йилги "Хукуклар тўғрисидаги арзнома", "Хукуклар тўғрисидаги билъ"да, Америкада "Виржиния хукуклар тўғрисидаги декларацияси" (1689), "АҚШ мустақиллик декларацияси" (1776) ҳамда "Хукуклар тўғрисидаги билъ" (1791), Францияда "Инсон ва фуқароларнинг хукуклари декларацияси" (1789)да ўз ифодасини топди. Шу жиҳатдан "Виржиния хукуки декларацияси" диккатта сазовор. Бу инсон хукуклари концепцияси баён этилган Конституция шаклидан дастлабки ҳужжат эди. Унда барча одамлар Тангри томонидан тенг килиб яратилган ва уларга ажралмас муайян хукуклар ато этилган, деган қонди мустаҳкамланган. Ҳаёт, эркинлик ҳамда бахт-саодатга интилиш шу хукуклар сирасига киради. Мазкур хукукларни таъминлаш учун одамлар ўртасида давлатлар таъсис этилдики, улар ўз оқилона ваколатларини бошқарилувчилар ҳамжихатлигидан оладилар, дейилган гоа ўз-ўзидан маълум ҳақиқат сифатида қайд қилинган эди. Шундан бери "Инсон хукуклари" фалсафий ва хукукий атамашуносликда муҳим ўрин олади.

Францияда 1789 йили қабул қилинган "Инсон ва фуқаролар хукуклари декларацияси" тарихий конституциявий ҳужжатлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Инсон хукукларининг мазмун-моҳияти унда анки ва ихчам таърифланган, инсон шахсининг қадр-қиммати таъкидланган, фуқаролик жамиятида шахс мақомини белгилашда давлатнинг роли белгилаб берилган. Шундай қилиб, инсон хукуклари гоаки ўзининг узоқ тарихий илгизарига эга. Инсоният тарихини инсон хукукларини таъминлашга қаратилган тарих деб таърифласа бўлади. XX аср инсон хукуклари борасида янги саҳифа очди.

Инсон хукукларини тартибга солувчи хозирги халқаро хукукни ҳужжатлар тизимида 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг "Инсон хукуклари Умумжаҳон декларацияси" муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу Декларация "Инсоният тарихида энг ноёб ҳужжат", уни "Бутун инсоният учун эркинликлар Хартиyasi", деб таърифлашди. Бошқа бирорта халқаро ҳужжат бунчалик юксак баҳоларга сазовор бўлмаган. Бундай ялпи эътироф сабабини инсон хукукларининг замонавий концепцияси муқтасар ва тушунарли баён қилиб берган "Инсон хукуклари Умумжаҳон декларацияси"нинг мазмунидан келиб чиқади.

бўлади. Улар, биринчидан, қонунга асосланишда, иккинчидан, бошқаларнинг хукук ва эркинликларини хурматлаш, демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ва ялпи фаровонлик талабларини қондилриш (29-модда) мақсадида амалга оширилишида ифодаланган. Айрим ҳолларда инсон хукук ва эркинликларини чеklangишга имкон бериб, "Декларация" қандайдир давлат, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахсларнинг хукук ва эркинликларини йўқотишга қаратилган фаоллият билан шуғулланишлари ёхуд шундай хатти-харакатларни амалга оширишлари"ни (30-модда) қатъий тарзда таъқиқлайди.

"Инсон хукуклари Умумжаҳон декларацияси" халқаро миқёсда инсон хукуклари соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга қаратилган хатти-харакатлар учун асос бўлиб қолди. Инсоннинг асосий фундаментал хукуклари универсал халқаро шартномалар бўлиши (1966 йилги "Фуқаролик хукуклари ва сиёсий хукуклар тўғрисида"ги ва "Иқтисодий, ижтимоий, маданий хукуклар тўғрисида"ги халқаро Пактлар ва бошқа халқаро ҳужжатлар)да мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари БМТ, Халқаро Меҳнат ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг аҳоли айрим гуруҳларининг хукук ва эркинликларини тартибга солувчи Конвенциялари (БМТнинг "Хотин-қизларнинг сиёсий хукуклари тўғрисида"ги 1952 йилги Конвенцияси, БМТнинг "Бола хукуклари тўғрисида"ги 1989 йилги Конвенцияси, ЮНЕСКОнинг "Таълим соҳасидаги камситишларни бартараф қилиш тўғрисида"ги 1960 йилги Конвенцияси, ХМТнинг "Кўчиш соҳасидаги суистеъмолликлар ва кўчиб кўриувчиларга имкониятларни ҳамда муомала тенглигини таъминлаш тўғрисида"ги Конвенцияси ва х.к.) инсон хукуклари соҳасида кодификациялаш жараёнининг амалга оширилишига салмоқли хисса қўлди.

Хозирги пайтда БМТнинг инсон хукуклари борасида 80 дан ортик халқаро шартнома ва конвенциялари мавжуд. Инсон хукуклари бўйича шартномалардаги Умумжаҳон декларациясидан фарқли янгилик шундан иборатки, бу ҳужжатларда инсон хукуклари батафсил талқин қилинади, уларни рўёбга чиқаришнинг давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилади, ҳар қандай ҳолатларда ҳам фундаментал инсон хукукларининг давлат томонидан чеklangиш мумкин бўлган алоҳида турмушлари (яшаш хукуки, қийноқларга йўл қўйилмаслиги, фикр ва эътиқод эркинлиги, судлов ҳимоясига бўлган хукук) ажратиб кўрсатилади. Конвенциявий меъёрларнинг хукукий мажбуриятлари хисобга олиниб, халқаро битимларни ратификация қилувчилар учун инсон хукуклари соҳасидаги қонун ҳужжатлари

халқаро андозалар микдорини кўлайтиришга хизмат қилмасдан, балки уларни давлатлар миллий қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйишни қаратилган ички давлат меъёрий ҳужжатларни яратиш жараёнини ҳам фаоллаштирди.

Хар қандай шахснинг ҳаёти ва фаолияти учун ХУКЖ ҳамда эркинликларнинг дахлсизлиги қондасига асосланувчи "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси" факат айрим ҳоллардагина инсон ҳуқуқларининг давлат томонидан чеklangиш имконини мустаҳкамлаб қўйган. Бироқ "Декларация" инсон ҳуқуқларини химоялаш ва уларга риоя этилиш устидан назоратни амалга ошириш вазифасини факат давлат зиммасига юклайди.

Ақсарият ҳолларда чекланган қуроли зиддиятлар келтириб чиқаргани кўйлаб чекинишлар ва инсон ҳуқуқларининг кўпол равишида бузилишлари, айниқса, тоталитар ва яққахоқимлик тузумидати мамлакатларда ички давлат назоратининг ошқора самарасизлигини кўрсатди. Шунинг учун 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш (ЕХХК) доирасида қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқининг вазифаларини белгилаб қўйиш тамойили аниқ кўза ташланади.

ЕХХКнинг 1975 йилги Хельсинки Яқуловчи Акти, ЕХХКнинг Инсоний мезонлар бўйича Конференциясининг 1990 йилги Копенгаген Кенгаши, 1991 йилги Москва конференцияси ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ турли муаммолар кўриб чиқилди. Жумладан, Москва конференцияси ҳужжатида "инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия, қонуннинг устуворлиги таълиқини масалалар халқаро ҳусусиятта эга бўлиб, муайян давлатнинг ички ишларигагина тегишли эмас"лиги бевосита таъкидланди.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини халқаро химоялаш институтини шакллантирилди. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ва ички давлат функциялари шу тарика қуйидагича фарқланди: жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларига онд халқаро андозалар ишлаб чиқарилмоқда ва уларга риоя этиш устидан назорат идоралари фаолият кўрсатмоқда, давлатлар миллий даражада ўз қонунларини халқаро андозаларга мувофиқлаштириб, уларнинг бажарилишини қафолашмоқдалар.

БМТнинг "Иркий камситишларнинг хар қандай кўринишларини йўқ қилиш тўғрисида"ги 1965 йилги Конвенциясидан бошлаб, халқаро назорат идоралари инсон ҳуқуқлари бўйича универсал конвенцияларнинг доимий тарқибий қисмига айланди. Конвенциялар негизида ташқи

9611

этилатган халқаро назорат идораларига (Иркий камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита; Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита; Қийноқларга қарши кўмита; Болалар ҳуқуқлари бўйича кўмита) давлатлардан уларнинг қонунлари конвенциялар қондларига мувофиқлиги тўғрисида вақти-вақти билан маърузалар талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Мазкур конвенцияний идораларнинг айримлари эса (Иркий камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита; Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита; Қийноқларга қарши кўмита) эса бир давлатнинг устидан тегишли конвенцияда назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги таълиқини шикоятларини ва фуқароларнинг давлатлар устидан яққа тартибсизлиги шикоятларини қонун бузилишларини бартараф этишга доир таълиқлар киритиш ҳуқуқи билан кўриб чиқишга вақил қилинган.

Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари негизида инсон шахси қадрияти ва қадр-қиммати туради. Одатда, инсон ҳуқуқларининг "уч авлоди" фарқланди: фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар (яшаш ҳуқуқи, қийноққа солиннинг таъкиданиши, адолатли судлов ҳуқуқи, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва х.к.), ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар (билим олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ ва х.к.), ва "учинчи бўлин авлоди" тури қоллектив ҳуқуқлар, деб аталади ва улар жумласига (тинчликка бўлган ҳуқуқ, ривожланишга бўлган ҳуқуқ ва х.к.)лар қиради.

Инсон ҳуқуқларига онд халқаро андозалар минтақавий даражада ҳам мустаҳкамланди. Бундай минтақавий мақоладаги халқаро ҳужжатлар сирисига "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини химоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенцияси (1950), "Инсон ҳуқуқлари тўғрисида"ги Америка конвенцияси (1969), "Инсон ва халқ ҳуқуқларининг Африка Хартияси" (1981), МДХ давлатларининг "Инсон ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси (1995) каби кўпгина халқаро битимлар қиради. XX асрнинг 70-йиллари охирида бир қатор мусулмон мамлакатларда ҳам минтақавий конвенция доираларида инсон ҳуқуқларини химоялашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий актлар қабул қилишга уринишлар бўлди. Мусулмон дунёсида 1980 йилда қабул қилинган "Умумжаҳон Ислоҳ декларацияси" инсон ҳуқуқларини амалда химоялаш ва таъминлаш нукта назаридан ишлаб чиқилган исломий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб қолди. Шундай қилиб, XX асрнинг ярмида жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларини халқаро даражада химоя қилиш механизми яратилди ва халқаро ҳуқуқий андозалар ишлаб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TASHKENT VILOYATI ICHKI ISLOH
DAWLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
ULMUM

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLY VA O'RYA MAXSUS TAJLIM VAZIRLIGI
17 TOSHKENT VILOYATI ICHKIOH
DAWLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
A'XBOROT RESURS MARKAZI

Бугунги кунда инсоният пивилизацияси тараққиёти муаммосини инсон хукукларини амалда химоялаш муаммосидан айрича кўриб чиқиш мумкин эмас. Давлат мустақиллигига эришиб, Ўзбекистон келинган йилларда инсон хукук ва эркинликларини таъминлаш, химоя этгани борасида умумдунёвий жараёнларга фаол кўшилди. Шунга алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон хукуклари соҳасидаги "Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисида", "Иқтисодий, ижтимоий, маданий хукуклар тўғрисида" (1966) халқаро Пактлар, БМТнинг "Бола хукуклари тўғрисида" (1989), "Ирқий камситишнинг барча шакллариини йўқотиш тўғрисида" (1979), "Қийноқлар ва инсон қадр-қимматини ерта урувчи муаммолар ҳамда жазо турларига қарши" (1984) Конвенциялари ва бошқа катор халқаро хужжатлар ратификация қилинди. Бу, ўз навбатида, инсон хукук ва эркинликлари соҳасидаги халқаро-хукукий андозаларни қабул қилиш жараёнини серамар этади..

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон хукукларига оид қонунийлик тизимини яратган. Инсон хукуклари тўғрисидаги қонунийлик — бу инсон ва фуқаро хукуклари ва эркинликлари ҳақидаги қонунийлик мажмуидир. Бу қонунийлик каторида инсон хукуклари бўйича халқаро хужжатлар ва миллий қонунийлик кирлади. Инсон хукуклари тўғрисидаги қонунийлик ўз тараққиётида уч қатта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро хукуклари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий хукуклари тўғрисидаги қонунийлик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига қирғилган биринчи 10та қўшимча — Инсон хукукларини тўғрисидаги Биллини кўрсатиш мумкин. Бу даврда қабул қилинган қонунийларда алоҳида эътибор қўйидаги муаммоларни хукукий тартибга солишга қаратилган:

- шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- шахс дахлсизлиги;
- хусусий мулк хукуки;
- сайлов хукуки (турли пенэллар билан чекланган бўлса-да).

Инсон хукукларини тўғрисидаги қонунийлик тараққиётининг иккинчи босқичи XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий хукукларига оид қонунийлик тез ривожланган.

Меҳнат қилиш хукуки, дам олиш хукуки, ижтимоий ёрдам олиш қуқуқини тўғрисидаги қонунийлик алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швейцарияда социал қонунийлик, 1919 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституцияси бунга мисол мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда инсон хукукларининг "янги авлоди" тўғрисидаги қонунийлик ривожланди. Бу хукуклар каторига:

- тириликда яшаш хукуки;
- соф ва тоза — муҳитга эга бўлиш хукуки;
- ақборот олиш хукуки қабиладир кирлади.

Бу босқичда инсон хукуклари тўғрисида халқаро қонунийлик тизими шаклланди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 та яқин, Оврўпо Кенгаши томонидан — 160 дан зиёд, ЮНЕСКОда — 70 дан ортиқ, Оврўпада конференция ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан — 30 дан кўпроқ, турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўлиб инсон хукукларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон хукуклари бўйича 500 га яқин қалқаро хужжатлар мавжуд. Бу халқаро хужжатларда инсон хукукларига оид жаҳон демократик андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунийлардан устуворлиги таъминли аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон хукукларига оид муайян қонунийлик тизими шаклланди. Бу қонунийликнинг негизини, асосини, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро хукуклари ва эркинликларига мисол бўлим, боқлар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий хукук ва эркинликлари жорий қонунийларда ўз аксини тошган.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз Конституцияларида инсон хукукларига оид қўйидаги муҳим қондаларни мустаҳкамлагандлар:

1. Демократия ва инсон хукуклари ҳамда эркинликларини тан олиш ва қимноқ қилиш — бу давлат мажбуриятидир;
2. Инсон хукуклари ва эркинликлари каталогти халқаро хукукий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро хукукнинг устуворлиги;
3. Инсон хукуклари ва эркинликлари унга туғилгандан бошлаб таъминландир, яъни табиий хукук ғоясининг, назариясининг эътироф этилиши;

4. Ҳаммага ва ҳар қимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар таълуқлилиги;

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этишлиги;

6. Фуқароларнинг қафолатланган сул Ҳимояси билан таъминлангани;

7. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари оид қонунчилик тизими қуйидаги беш тарқибий қисмларга ажратилиши мумкин: **Биринчидан**, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари оид қонунлар-виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар. **Иккинчидан**, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари оид қонунлар-жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, қасоба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар. **Учинчидан**: фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари оид қонунлар – мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар. **Тўртинчидан**, маданий ҳуқуқлари оид қонунлар – фан, таълим, маданият, музейлар, кутубхона, маданий меросни химоя қилиш тўғрисидаги қонунлар. **Бешинчидан**, инсон ҳуқуқлари оид ҳалқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) – миллий-ҳуқуқий тизимнинг тарқибий қисми сифатида.

Ҳозирги замонда дунё мамлакатларидаги демократия ва инсон ҳуқуқлари оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари:

- инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий қафолатларини таъминлаш;

- конституциявий юстиция (судлов)ни ривожлантириш;

- инсон ҳуқуқлари оид ҳалқаро ва миллий институтларни шакллантириш;

- янги демократик институтларни, жумладан омбудсман институтини тараққий этириш кирди.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари ҳар қандай жамиятда ҳам ҳурман қилиниши зарур. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳалқаро сиёсий ташкилотларнинг ҳужжатларида, инсон ҳуқуқлари доир ўтказилган ҳалқаро ан-жумаларнинг ҳужжатларида инсоннинг барча ҳуқуқлари сингари унинг сиёсий ҳуқуқлари ҳар томонлама химоя қилиниши кўп марта баъд қайд қилинади. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тўғрисидаги асосий мақсадлардан бири — бу инсон ҳуқуқларини унинг ёши, жинси, ирқи, дини, миллати, у ёки бу ижтимоий гурӯҳга мансублиги, у ёки бу сиёсий ташкилотга аъзо эканлигидан қатъи назар

ҳурман қилиниши, раъбатлантирилиши, унинг барча ҳуқуқлари сингари сиёсий ҳуқуқлари ҳам эркин ва тўла тенг ҳуқуқлилиги асосида химоя қилиниши назарда тутилган. Бу борда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси", 1959 йилда қабул қилинган "Болаларнинг ҳуқуқлари Декларацияси" муҳим аҳамиятта эгадир. Ҳалқаро аҳамиятта эга бу тарихий ҳужжатларни камситиш ёки поймол этишга қаратилган ҳар қандай уришишларга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланади.

Шунингдек "Демократ Юристарнинг Ҳалқаро Уюшмаси", "Ҳалқаро Хотин-Қизлар Кенгаши", "Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси" ва бошқа кўплаб ҳалқаро сиёсий ташкилотлар ҳам инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишда амалий фаолият кўрсатмоқдалар. БМТ устави илк марта ба инсон ҳуқуқларини химоя қилиш борасида давлатларнинг муштарак биргаликда ҳаракат қилиш таъминларини муқтаҳамлаган ҳужжатдир. Устав 1945 йил 26 июнда Сан-Франциско Таълим Конференцияси қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан қабул қилиниб, шу йили 24 октябрда қучга кирган. Бу ҳужжат жаҳондаги давлатларнинг ягона олғи мақсадлари сари ҳамжиҳатликка интилишини наънаб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ўзига намоён этади. Уставада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлардан фойдаланиш эълон қилинган. Ушбу дунёвий ташкилотта дастлаб 50 нафар давлат аъзо бўлган эди. Ҳозирда унинг сафи кенгайиб бормоқда. Ана шу нуфузли ҳалқаро ташкилотта Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда аъзо бўлди. 1993 йил 24 сентябрда эса Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси иш бошлади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактлар – 1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Декларация инсон ҳуқуқлари умумий тамойилларини ифода этади. Пактлар эса бу тамойилларни бойигади, тўлдирди ва инсон ҳуқуқларининг яхлит тизимлари, қонунларини камраб олади.

Минтақавий ҳужжатлар: инсон ҳуқуқларини ҳамжиҳатликда амалга ошириш мақсадларини намоён этиши жиҳатидан ҳалқаро аҳамият касб этади. Чунки бу ҳужжатлар нафақат минтақада, балки ундан ташқаридаги давлатларда ҳам тан олинади. Ана шундай ҳужжатлардан бири 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган, 1953 йил қучга кирган «Инсон ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси»дир. Унда баён қилинган ҳуқуқлар Декларация ва Ҳалқаро Пактларга ҳамохан бўлиб, унга ана 8 та протокол қиритилган, бу протоколларда мулкдор бўлиш,

маълумот олиш, мамлакат ҳудудида эркин юриш, яшаш жойларини эркин танлаш ҳуқуқлари баён этилган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги минтакавий ҳужжатлар, минтакавий муносабатларни тартибга солиди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ҳужжатлар, ушбу давлат ички ҳудудида амалда бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ифодалайди. Ҳар бир давлатнинг конституцияси ва бошқа меъририй ҳужжатлари миллий ҳужжатлар тизмида намоён бўлади.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишда давлатнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларидан фойдаланиб, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини мамлакат ичкарисидида ва халқаро майдонда химоя қилишда етакчи сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, давлатлар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни ҳам таъминлайди. Бирок инсоннинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишида давлатнинг аҳамиятини батамом мутолқаштириш мумкин эмас. Давлат диктаторлик ёки зўравонликка асосланган бўлса, ўз фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб қўйишга, уларнинг ҳар қандай ҳаракатларини зўрлик йўли билан босқинчиликка интилади. Бу айниқса, тоталитар ва авторитар сиёсий тузумлар амалда бўлган мамлакатлардаги давлатларга ҳосилдир. Собик Иттифок даврида инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари қанчалик тахқирланганлигига кўлаб нисоллар келтириш мумкин. Сиёсий қатағонликлар, бутун-бутун халқларни зўрлик билан ўзлари яшаб турган еридан қўчи-риб юбориш, сайловларнинг номигагина ўтказилиши ва бошқа шунлар сингари салбий ҳолатлар инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари қанчалик тоғтаб келинганлигини амалда кўрсатади.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишда кенг жамоватчилик катта сиёсий куч ҳисобланади. Жамоватчилик фикри ва унинг амалий ҳаракатлари барча замонларда ҳам инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилиш-да муҳим омил бўлиб келган. Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишда бу омил ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда ўз кучини йўқотмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги И.А. Каримов инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишда бу омилнинг аҳамияти янада ошиб боришини қайд қилиб, бунда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашишини кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштиришга алоҳида эътибор билан қарши зарурлигини таъкидлади.

Бизга маълумки, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меърирлари жаҳон тинчликсевар демократик давлатлари тан олган Бирлишган

Миллатлар Ташкилотининг ва бошқа инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ташкилотлари ҳужжатларидир.

БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт¹¹нинг 1-моддасида: «Барча халқлар ўз ҳақларини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу ҳуқуқ тўғрисида улар ўз сиёсий макомларини ўз эрқлари билан белгилайдилар ҳамда уларнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараккиятларини таъминлайдилар» деб белгиланган¹².

БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умулжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида: «Халқ иродаси ҳукумат қонунларининг негизи бўлмоғи лозим; бу ирода вақти-вақти билан бўлидиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов яши ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар носитасида ўтказилиши керак» деб белгиланган умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият принциплари қабул қилинган қонунлар асосида амалга оширилмоқда.

3. ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲАМИ- ЎНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САЙЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН ШАКЛЛАНТИРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

Инсон ҳуқуқлари умулжаҳон Декларациясининг 21 – моддасида: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркинлик билан сайланган вакиллари воситасида ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга эканлиги, халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозимлиги, бу борада иқтисодий вакил билан бўлган ва сохталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов яши ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлиги таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши кераклиги белгиланган.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларида бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок

¹¹ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умулжаҳон декларацияси. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт. “Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт ва фуқароликни протокол. - Т.: Адолт, 1992. - 33 б.

этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади” дейилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришида иштирок этиш ҳуқуқи ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим принципларидан бири бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришида иштирок этиш ҳуқуқи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан биридир. Конституцияда халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришида иштирокнинг амалга ошириш шароитлари ифодаланган. Ўзбекистон фуқаролари олғи ва маҳаллий вакиллик органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятининг бошқаришида иштирок этадилар.

Сайлов ҳуқуқи ҳақида гап кетганда одатда уни аспектиларини иккита ажратишди: яъни булар объектив сайлов ҳуқуқи ва субъектив сайлов ҳуқуқи. Булардан биринчиси - сайлов ҳуқуқи нормалари тизими яъни асосини ташкил қилувчи принциплари, тизимлари, тартиби, жарағини ва сайловни ташкил қилиш кафолатлари. Иккинчиси - давлат томонидан маълум бир шахсни сайловда қатнашишини (пассив сайлов ҳуқуқи ёки актив сайлов ҳуқуқи) таъминлашниши кафолатлашиши. Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилишини уларнинг давлат бошқарувида иштирокнинг энг муҳим шаклиларидан бири ҳисобланади. Шунингдек сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали фуқаролар парламент аъзоларининг режими ротация² сини амалга оширилишида иштирок этадилар. Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамга ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳуқуқмат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришида бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи қўлига халқаро ҳужжатларда³, жумладан

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон, 2003. - 8 б.

² Ротация - (лат. rotatio - айланма, айланиш) бирор бир структуранинг жойини ўзгартириб тургани билан бирор бир структура аъзоларининг ушбу структура ичига бир даражадан бошқа даражага ўтгани билан унинг мажбуриятларини ўзгартириш бўлиб ҳисобланади. Ротация - парламент ёки парламент томонидан таркибининг ўзини фаолият мобайлида қисман янгилашб бориши³. Қадрлар ротацияси - асосий ишда ишлаган жойи принципига асосан, қадрларнинг ўз мўддагида ва мўддатини илгирин олганнинг турлиши.

³ Қаранг: 1948 йилги Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

ЕХХТ инт. Конвенцияда қабул қилинган ҳужжатига ҳам таъкидланган. Ушбу ҳужжат талабларига кўра «Иштирок этувчи давлатлар тегишлинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришида қатнашиш ҳуқуқларини хурмат қиладилар»¹. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб у ёки бу давлатнинг қай даражадаги демократия асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир қўрилиши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришида ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутлади. Бу ҳуқуққа қонунида белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Бш четраси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олдинга бўлиш чегара анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Ионинияда фуқаролар 21 ёшга тулганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонунига кўра сайлов қунигача 18 ёшга тулган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларнинг 18 ёшга тулган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган Қирғизистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Кодекс билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноян 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар. Фуқаролик цени барча давлатларда бошқий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай ценининг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қонда Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1990 йил 20 июль //ЕХХТнинг инсонийлик елолири бўйича ҳужжатлари» А.Сайлов тўғрисидаги оқиди, Тошкент, "Адалат" 2002 йил, 52 бет.

озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади. Пасив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқи ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар. Турли давлатларда маълум давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин. Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидати ёш чегара маълум давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пасив сайлов ҳуқуқида ёш чегари номзоднинг қайси органига сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европада Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт¹. Ундан ташқари барча номзодларнинг харбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Ўзбекистонда фуқаролар маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланиш ҳуқуқида эга бўлиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис депутатлигига сайланиш учун 25 ёшга, Республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга етган бўлиши керак.

Сайловлар ўтказиш жараёнида хорижий ҳамда миллий кузатувчиларнинг хозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг оёғусини ошириши мумкин эканлиги ҳалқаро ҳужжатларда эътироф этилган². Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига арағашмаган ҳолда маълум давлатга фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва шунинг натижаси ўларок мамлакатдаги демократик жараёнининг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар. Юртимизда бу борадаги ислохотларнинг қай даражада бораётганлигини 2002 йил 27 январь кунини Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этиб, референдум жараёнининг бевосита кузатган халқаро кузатувчилардан бирининг "Референдум келгусида Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини қучайтиришда ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади" деган мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин³. Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши фуқароларнинг ижтимоий фаоллигининг ошиб боришига хизмат қилади. Бундай жамиятда фуқаролар давлат томонидан

турли соҳаларда амалга ошириладиган сиёсатга бефарқ бўлмайдилар. Турли қатламдаги аҳоли манфаатларини ҳисобга олмасдан қоритиладиган давлат сиёсати эса, салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида фуқароларнинг фаоллиги сустлашиб сайловларда қатнашиш интибиб кетиши мумкин.

Жақон конституциявий ҳуқуқида аёсезтевизм деб аталадиган ибора маънода бўлиб, ушбу ҳолат сайловларда овоз беришда ва референдумда истифривий қатнашмасликни билдиради. Бунда сайловчилар ўз ихтиёрлари билан сайловларда қатнашмайдилар, чунки қим депутат бўлиши, қим давлат бошлиғи бўлиши, қўйилган масаланинг қандай ҳал қилиниши уларни қизиқтирмайди. Бу эса давлат барқарорлигига хавф соладиган даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкинки, бунинг 2002 йилда ўтказилган Франция Президентлиги сайловлари мисолида кўриш мумкин⁴. Бундай ҳолатни бошқа хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистонда сайловчиларнинг овоз беришдан ихтиёрий воз кечши ҳолати жуфта кам учрайди. Сўнги парламент ва Президент сайловларида бу 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда 90 фоиздан ортиқ сайловчи овоз беришда иштирок этганлиги Ўзбекистонда сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги юқори эканлигидан дарак беради.

Демократиянинг асосий шаклларида бири бу - давлат ва жамият қирғининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиш - референдум ҳисобланади.

Референдум атамаси лотин тилидаги «Referendum» сўзидан олинган бўлиб "хабар берилиши лозим бўлган" деган маънони аниқлатади. Унинг қирғини мохияти фуқароларни давлат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этишини билдиради. Баъзи мамлакатларда (Югославия) иштирокчиларнинг барча турлари референдум деб аталади.

Сайловлардаги овоз беришнинг референдумдан фарқи шундаки у бирон бир шахс мандатига қоридик қуч бермай балки, муайян масалани қай қилишга қаратиладиган. Агар конституция ва қонуналарда белгиланган қондалар асосида референдум оркули қабул қилинган қарор қабул қилди ва ҳисобланади ва унинг қоридик аҳамияти одада парламент қирғини қабул қилинган қонуни ва қарорлардан устун бўлади. Референдумда қабул қилинган қарорлар фуқароларни муайян қўйилган масалани тасдиқловчи ёки рад қилувчи жавоби шаклида қабул қилинади. Сайловчиларнинг овоз беришини баъзан плебисцит деб ҳам аталади

¹ See: Droit constitutionnel et libertés, Edition SIREY, 1998, P 50-52

² ЕХХХнинг инсонийлик меъонлари бўйича Конститутси қончилигининг ҳужжати // «ЕХХХ»нинг инсонийлик меъонлари бўйича қончилигининг асослари бўйича Конститутси остида, Т., 2002 йил, 54 бет.

³ «Ўзбекистон Республикаси референдуми қоридикларини ниҳоятда» // Ўзбекистон Республикаси Мировий сайлов қончилигини Ақбортоқмаси 1-сон, 36 бет.

⁴ See: L'Etat du monde. Annuaire économique et géographique 2003, Paris, Desochevete, P 497

(лотинча plebisçitum-халқ карори). Хукукий жиҳатдан референдум ва плебисцит ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ; улар тўлиқ синонимлардир. Бирок, стилистик фарқ мавжуд бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига доир референдум қолида тарикасида плебисцит деб аталади. Масалан, фуқароларни овоз бериш йўли билан халқ қилинадиган тегишлилик жиҳатидан баҳсли хулдулар мақоми ҳақидаги, бошқарув шакли ҳақидаги давлат бошлиғи ҳақидаги масалалар кўриладиган референдум расмий ёки норасмий равишда плебисцит деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида мустақамланганлик, «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Референдум ўтказиш тартиби конун билан белгиланади»¹.

2001 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ти (янгича таҳрири) конунига таъкидланганлик², референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун хулдуида ўтказилди ва сайловлар билан бир каторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олний юридик қучга эга бўлиб, фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрийдир ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди, хоҳиш-иродасини назорат қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдуми, Олий Мажлис томонидан 1991 йил 31 август кунин қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ти конституциявий конунни бир овоздан маъқуллади ва ўз келажак давлат қурилишининг мустақам пойдеворини яратганликларини бутун дунёга маълум қилган эди³.

Фуқароларни референдумда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш ва хоҳиш-иродасини эркин билдиришга тасир кўрсатишга ҳеч қим ҳақли эмас. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ва ошқора амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ти 1994

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -5 б.

² «Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисида»ти конунинг //Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Аxbоротномаси. -Т., 2001, №5

³ Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланмаси. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -244 б.

ини 5 май кунин қабул қилинган конунига кўра: "Сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ҳуқуқига эга эканлиги ва уни нафрат этишга йўл қўйилмаслиги, вакилик органларига кўрсатилган назоқларни ёқтаб ёки улгарга қарши ташвиқот қоритиш ҳуқуқига эгалар¹". Унга кўра: сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, улгар референдумларда, сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқини қорғолишдади.

4. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКЛАРИНИ ИШТИРОК ЭТИШЛАР ВА НАМОЙИШЛАР ШАКЛИДА АМАЛГА ОШИРИШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида: "Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг конунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва назоқлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Ҳокимият органлари фақат ҳафизлик нуқтан-назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тўтатиш ҳуқуқига эга", эканлиги белгилаб қилинган. Ушбу моддада мустақамлаб берилган фуқаролар сиёсий ҳуқуқлари "Ўзбекистон Республикасининг жамоват бирлашмалари тўғрисида"ти(1991), "Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари тўғрисида"ти(1996), "Ўзбекистон Республикасининг касба уюшмалари, улгар ҳуқуқлари ва фаолиятлари қафолатлари тўғрисида"ти(1992) Конунини бошқа конун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари юқорида кўрсатиб ўтилган, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган конун талабларига сиёсий партия аъзоси бўлишлари мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг фуқароларининг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини ташкил этишда жамият муайян қисмининг иродасини рўёбга чимқаришга интилувчи ҳамда ўз иродалари орқали давлат ва жамоват ишларини идора қилишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.² Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сиёсий партияларга эркин аъзоликка кириши ёки аъзоликни қозониш пайтда тўхтатиши мумкин. Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига, одатда сайлов ҳуқуқини, сўз, матбуот,

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ти конунининг //Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Аxbоротномаси. -Т., 1994, №5. -127 м.

² Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари тўғрисида»ти конунининг 1-моддаси. Ўзбекистон янги конунлари 19 сен. Т.: "Давлат". 1997й. 5-бет.

Ингиллар ва намоёнлар ўтказиш эркинлигини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар. Сайлов ҳуқуқига сиёсий партиялар ўз вакилларини (азозларини) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳамда вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлигига номзод сифатида кўрсатадилар.

Сўз эркинлиги. Сўз эркинлиги ҳуқуқи тарихан жуда бой маъноларни ўзида ифодалаган. Унда жумладан фуқаролар сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий ривожланиш муаммоларини ҳал этиш учун ҳаракат қиладилар. Сиёсий соҳадаги фуқароларнинг сўз эркинлигига сайловларда ноқобил номзод кўйилгани олдидан эки давлат ҳокимияти органларининг ноқонуний ҳапти-ҳаракати устидан ўз йиғилишларида тўғридан-тўғри ҳақиқатни юзата чиқарадилар. Ҳуқуқий соҳада сўз эркинлигида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаз қилиш учун фуқаролар йиғинида ва оммавий йиғилишларда ўз талаб ва эҳтиёжларини ўзлари сайлаб кўйган вакиллари ёки мансабдор шахсларга баён этадилар.

Маънавий ва маданий соҳалардаги фуқароларнинг сўз эркинлигида миллий урф-одатлар, ёши улугларга ҳурмат, ҳар қандай муаммони ҳам шарқона тарзда босқичлик ахлоқ-одоб нормалари талабларида ҳал этиш, асрилар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаяётган миллий анъана ва маросимларни нотўғри талқин этилишини олдин олади, миллатнинг бирлигини ўзида намоён этади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда ўзинга ҳос миллий маънавият шаклланиб бормоқда. Ўзбек аёлларининг шарқона урф-одатлари ва фазилатлари, ота-она ва фарзандлар, кўни-кўшилар, маҳалла-қўй алоқалари, ҳалоллик, поклик, нймонлилик ва виждон эркинлиги билан боғлиқ муносабатлар жамият тараккиятининг гаровидир. Маданий-маънавий соҳада Ўзбекистон олдида муҳим вазифалар турибди, Мустанлақчилик даврида топталган миллий-маънавий ва маданий кадрларни тиклаш учун шарқона сўз эркинлигини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлатимиз сиёсатининг мазмунини ташкил этади.

Демократия инсониятнинг маънавияти, маданияти, ижтимоий оғни, меъталитети, ақл-идролки, билим доираси, тадбиркорлик қобилияти ва унинг эркин яшаб, ривожланиши билан боғлиқ табиий жараёни ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунда фуқароларнинг демократик сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита шарқона маданият ва маънавият билимлари билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этган муслмон маънавиятидан баҳра олган демократиянинг ўзинга хос шакли ва мазмунини намоён этади. Ўзбекистон

қонун ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда сиёсий митинг боғлиқ ва намоёнлар ўтказишни миллий манфаатларига зид деб қарайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро умумэътироф этилган меъёрларга мос равишда белгиланган ва у давлат органлари томонидан муҳофаз этилади, таъминланиши кафолатланди. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунда белгиланган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, митинг ва намоёнлар тарзидан ўз фаолликларини амалга ошириши аслида Фарб давлатлари, Россия, АКШ ва бошқа давлатларнинг миллий анъаналари ҳисобланади.

Митинг — инглизча ибора бўлиб, ўзбекчада бирор бир муҳим воқеа, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган йиғилишлар. Митинглар олдига байрамона кайфиятда ёки давлат қисмият органларидан норози бўлган маълум сиёсий гуруҳнинг ёки оммавий ҳаракат, ишлаб чиқариш ташкилотлари, бирлашмаларнинг шевар марказига чиқиб, ўз фикр ва талабларини эълон қилиши тушунилади. Намоён ва митинглар бир-бирини тўлдирди, сиёсий-ижтимоий ёки иқтисодий масалаларни ҳал этиш намоён билан боғлиқ, митинг ўтказиш, нутқбозлик билан тутади. Митинг ва намоёнлар ўтказиш маданияти ҳар бир халқнинг келиб чиқishi ва ривожланиши тарихига боғлиқдир. Бунда асосан миллати, дини, урф-одатлари, сиёсий оғни, ривожланиш босқичлари муҳим ўрин тутади. Шарқ ва бошқа муслмон мамлакатларида митинг ва бошқа намоёнлар ўтказиш миллий-диний дунёқарашларга зид ҳисобланади. Бундай тадбирлар, масалан, АКШнинг Олий Судга жамоат тартибини сақлаш мақсадида жамоат жойларида намоёнлар жойи, вақти ва шаклини белгилаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади. Австралия ва Белгияда очик ҳавода (кўчалар, майдонлар ва истироҳат боғларида) йиғилишлар ўтказиш учун руҳсат берувчи тартиб кўзда тутилган. Францияда қонун "Жамоат йўли билан, яъни кўча ва майдонларда йиғилишлар ўтказишни умуман тақиқлайди". ГФР, Дания, Исландия, Испания ва Грецияда очик ҳавода ўтказиладиган йиғилишлар полиция томонидан "тартибсизликлар юз бериб чиқариши" ёки "ҳавфсизликка таҳдид" баҳонаси билан тақиқлаб қўйилиши мумкин¹.

ИМТнинг 1976 йилдан бери амалдаги "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактининг 21-моддасида: "Осойишта йиғилишлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шарҳлар. (Мушлфипр жамоаси). — Т.: "Ўзбекистон", 1995 й. 96-бет.

Ўтказиш ҳуқуқи эътироф этилди. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш йўлида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги керак. Қонун билан белгиланган кўйилдиғандари ва демократик жамиятда давлат ва жамоат хавфсизлиги жамоат тартиби учун зарур бўлганлари, аҳолининг сихат-сағоматлиги ёки ахлоқ одобини сақлаш учун ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлганлари бундан мустаснодир¹, деб белгиланган бўлиб, унга қатъий амал қилиш эса БМГА аъзо бўлган мамлакатларнинг Асосий Қонунларида мустахкамланган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида ушбу БМТнинг ҳужжатлари мевёрлар ўз ифодасини тоғди ва хоэирги кунларда Ўзбекистон шароитида, ўзбек халқининг маънавий дунёси, диний эътиқоди, миллий давлатчилик ривожига бундай ҳуқуқдан фойдаланишнинг энг мақбул йўли ўзаро маслаҳат, ҳамкорлик, оммавий тадбирлар ўтказиш орқали сиёсий фаолликларини намойиш этмоқдлар. Давлат фуқароларнинг бу ҳуқуқини амалга ошириш мақсадлини кўзда тутиб, уларга биноларни, майдонларни ва кўчаларни бериш, ахборотларни кенг тарқатиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлайди.

Ҳокимият органлари митинг, йиғилиш ва намойишларнинг йўналишларини белгилайди, ҳамда уларнинг бошланиш ва тугаш вақтини назорат қилишади.

Йиғилишлар, митинг ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартиблари уларнинг ташкилотчиси томонидан бузилиса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги маъмурий ва жиноят қонунчилигида белгиланган жавобгарликка тортилади.

Тинч йиғилишлар давлат ва жамият, оммавий тартиб, аҳоли соғлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўзлаш мақсадларида чекланиши мумкин. Амалдаги қонунчиликда, йиғилиш, митинг ва намойишлар тартибининг бузиллик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

6. ФУҚАРОЛАРНИНГ КАСАБА УОШМАЛАРИГА, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ВА БОШҚА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИГА УОШИШ, ОММАВИЙ ХАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги нутқида, фуқаролик жамияти барпо этишни жадаллаштириш, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётида тугган навқенини янада ошириш - ушбу устивор йўналишлардан бири эканлиги, ижтимоий вазибаларни ҳал этишда нодавлат ташкилотларининг ролини оширилиши хисобига давлат николатларини қамайтириш жараёни узлуксиз давом этиши¹ни, алоҳияда таъкидлаб ўтди. Давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши ҳуқуқларига бевоёсита алоқадор бўлган муҳим ҳуқуқлардан бири, бу фуқароларнинг ўз манфаатларини химоя қилиш мақсадлида **қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш** ҳуқуқидир.

Бу ҳуқуқ фуқароларга юқорида айтиб ўтилган мақсадларда ижтимоий уюшган фаолият олиб боришнинг турли шаклларида берилиши, у ёки бу вазибаларни бақариш учун қучларини умумлаш-тириш имконини беради.

Давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши ҳуқуқларига бевоёсита алоқадор бўлган муҳим ҳуқуқлардан бири, бу фуқароларнинг ўз манфаатларини химоя қилиш мақсадлида қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир.

Нисон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси 23-моддаси 4 бандида "қар бир инсон қасаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини химоя қилиши учун қасаба уюшмаларига кириши ҳуқуқига эга" деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 34-моддасида қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи қафолатланган.

Бу ҳуқуқ фуқароларга юқорида айтиб ўтилган мақсадларда ижтимоий уюшган фаолият олиб боришнинг турли шаклларида берилиши, у ёки бу вазибаларни бақариш учун қучларини умумлаштириш имконини беради.

¹ "Нисон ҳуқуқлари" Гўрқисаги "га халқаро Билди. — Т. "Адолат". 1992 й. 44-бет

¹ Каримов И. А. Бир ташкилот йўли - демократик тармоқлар ва мизрифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - У. У. Давлатон, 2003. 27 б.

Ижтимоий уюшмаглар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ўзларини намойн қилишларини ривожлантиришга, уларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга кўмак беради.

Фуқароларнинг уюшмалар аъзолигига қабул қилиш ёки кириш унинг низомида ёзилган шартларга мувофиқ кўнгилли равишда амалга оширилади.

